

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. • № 117 (6. 008) • 1986 йил 22 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

Корхона қуввати ошмоқда


Сергелидаги темир-бетон буюмлари заводининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берган маҳсулоти 30 минг кубометрга етди. Бу тошхирда белгиланганидан анча ортиқдир. Корхона коллектив меҳнатни тўғри ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, машина ва ускуналарнинг беҳисоб ишлатилиш таъминлаш орқали ишлаб чиқариш графигидан анча ўзгирмеҳнат қилипти.

Завод бундан чорак аср мўлдатдан ўз фаолиятини бошлаганда бу ерда дастлаб темир йўл ишлари тайёрланганлиги. Ҳозир 20 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Булар темир йўл ҳамда кўприклар қурилишида, йўллари электрлаштиришда ишлатиладиган темир-бетон буюмларидир.

Корхонада, ўтган чорак аср мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб ўн баравар ортиб, 80 минг кубометрга етди.

Коллектив КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, янги участкалар барпо этиш асосида қувватларни ўстириш йўлини тутмоқда. Жумладан, ўн иккинчи беш йилликда эски цехлардаги бир қатор линияларни янгилари билан алмаштириш, янги бетон қорини ўзла барпо қилиш орқали корхона қуввати йилга 100 минг кубометр маҳсулот етказиб берадиган даражага етказилади. Ундан кейин бу ерда беш босқичли реконструкцияни амалга оширишга киришляди. 2000 йилгача мўлжалланган бу катта режани амалга ошириш натижасида корхона қуввати йилга 250 минг кубометр маҳсулот етказиб берадиган даражага етказилади ва завод республикада эмас, балки ўрта Осиёдаги йirik қурилиш материаллари корхонасига айланади.

Замондошимиз



Шаҳримиздаги «Электромаш» заводи коллектив бу йил 38 мингга электр пайвандлаш ваъда берган. Ҳозир коллектив бу катта ваъдани мўлдатидан аввал адо этиш учун ўзaro мусобақани авж олдириш меҳнат қилипти. Ишчилар ўртасидаги шахсий мусобақада маҳоратли слесарь-йиғувчи Екуб Қорабоев ҳамкасбларига намуна бўляпти. У электр пай-

вандлаш аппаратларини йиғишнинг устаси саналади. Мана уч йилдирки, у ҳамма маҳсулотни биринчи тақдимида аъло сифатда топширяпти. Корхонада бу илгор ишчини кўпчилик яхши билади. Ешлар унинг касб маҳоратини ўрганиб, тез кунда малакали ишчилар сафидан ўрин олишяпти.

В. Сироткин фотоси.

Тажриба қўл келмоқда

Илгор технология ва тажрибадан фойдаланиш химия-фармацевтика заводи коллективига катта самара келтирмоқда. Бунга ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган коммунист. Капитолина Тарникова ва КПСС аъзоси Лилия Собирова эришяётган натижаларни мисол келтириш мумкин. Улар ярим йиллик

шахсий планларини уудалашга эришдилар.

Илгорларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилиши туфайли смена-ойлик тошхирларни сифатли ва ошириб уудалаётган ишчиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Корхонадаги мураббийлардан бири Зинаида Эверкова ва ёш ишчи Ната-

ша Тожибоева беш ойлик вазифани уудалашгани ҳақидаги рапортга имзо чекишди. Коллективлар ўртасидаги меҳнат беллашувида эса Махбуба Йўлдошева ва Муҳайё Қосимова етакчилик қилаётган бригадалар пешқадамлик қилишмоқда. Улар Ҳозир июнь ойи ҳисобига меҳнат қилишяпти.

КИНОФЕСТИВАЛЬ БАЙРОҚЛАРИ ҲИЛПИРАМОҚДА



◆СУРАТЛАРДА: Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларидан бир группаси.

Т. Каримов фотолари.

Дастлабки таассуротлар

Еш ўзбек режиссери Фирдавс Зайниддинов ҳали қарсақларга ўрганмаган — шунинг учун ҳам унинг «Орзулар оғушида» фильмини самимий кутиб олган томошабинларнинг қўловлари, айниқса, қадрли эди. Режиссёрнинг кино санъатидаги биринчи асари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалининг биринчи иш кунини программасига киририлган. 21 май кунини фестивалнинг энг катта зали — Тошкент Санъат саройида уч қитъа санъаткорларининг асарлари расмий кўриги бошланди.

Картинада ҳаммани доим қизиқтириб келган муаммолар кўтаришган. Режиссёр ўзбек адабиётининг классиги — Ойбек ижодида мурожат этиб, инсонни улуглайди-ган сўнас маънавий қадриятлар: қадр-қиммат ва ҳаият, садоқат, бurch ва муҳаббат ҳақида гапирди.

— Лента номининг ўзи мен учун рамзий туюлди, — деди кўриқдан кейин Маврикий давлати маориф министрининг санъат, маданият ва дам олиш ишлари бўлими мудирини, ёзувчи Мунирдранат Варма. — Мен Тошкент анжуманида қатнашиш орасидада эдим, шу ораунини ушлаганидан беҳад хурсандман. Анжуман ҳақида ўз

юртимда жуда яхши фикрлар эшитганман. Бу ерга келгач, шу сўзлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим. Совет киносига билан яхшироқ танишиш имкониятидан фойдаланмоқчиман.

Ўзбекистон пойтахтидаги ҳар бир киноқўриқ аини Тошкентда жаҳон экранига йўллама олган миллий кинематографиялар ютуқларининг жонли тисолидир. Афронистон ва Никарагуа, Ангола, Мозамбик, Чили, бошқа қўлгина мамлакатлар санъат арбоблари ўзларининг ижодий камолоти учун Совет иттифоқлик дўстларидан миннатдорчилик.

— Ижодий қардошлигимиз ярим асрдан бери давом этиб келмоқда — бизнинг киномиз ҳам 50 ёшга тўлди, — деди «Монголкино» студиясининг бадий раҳбари Бадрохин Сумху. — Биз мустақам дўстлик ва интернационал бирдамлик ришталари билан боғланамиз. Ер куurrasининг тақдирини учун баб-баравар ташвишланамиз. Совет Иттифоқининг тинчлик сўёсати ҳамиша монгол халқининг орзу-умидларини ифодалаб келган. Ҳозир ҳам биз Совет тинчлик ташаббусларини, ядровий синовларни ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриниш мўддатини узайтириш тўғрисидаги қарорини тўла-

тўқис қўллаб-қувватлаймиз. Фестивалнинг расмий кўригига тақдим этилган бизнинг «Мени фронтта юборинглар» кўздан кечирдилар. Бу акси позиция ленинча миллий сўёсат тантана қилганлигидан йўқол қалолат беради, Ўзбекистон СССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг павильонлари шу ҳоқояни бамисоли давом эттиргандек бўлди, бу ерда меҳмонлар ўлканинг бутунги кўнини томоша қилибгина қолмай, унинг келажакига назар ташлашга ҳам муваффақ бўлдилар. Ўзбекистон СССР Госпланидаги суҳбатда Ўзбекистон иттисодий ва социал-маданий тараққийнинг КПСС XXVII съезди белгилаб берган аниқ истиқболларини билиб олдилар.

Музейлар ва кўргазма заллари, театрлар ва ижодий союэлар кинематографчиларни шодиёна қабул этмоқдалар. Фестивалнинг асосий залида эса кўрик давом этмоқда. Бу ерда Бангладеш ва Бразилия, Никарагуа ва Куба кино арбоблари, мамлакатининг экран усталари ўзларининг янги асарларини кўрсатдилар.

Л. БЕРНАСКОНИ,
Э. ТУХВАТҲАЛИЛОВА,
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Бизнинг интервью

Катта санъат йўли

А. ҚОБУЛОВ,

Ўзбекистон кинематографчилар союзи правлениеси биринчи секретари.

— Совет Ўзбекистони пойтахти фестивал қатнашчилари ва меҳмонларни кенг қучоқ очиб кутиб олди. Ўз халқининг хоҳиш-иродасини ленталарда акс эттиришга ҳаракат қилаётган кино санъати усталари жонажон Тошкентимизга марҳамат қилдилар. Мен ана шу Халқаро анжуманда тўққизинчи марта қатнашаётirman. Ҳар сафар бу анжуманининг чи-накам эркинравлиги, дўст-

лик ва ўртоқлик муҳити мени гоятда руҳлантиради. Жаҳонга номи таралган Сем. бен Усмон, Сухайль Бен Барка сингари машҳур кино санъаткорларининг Тошкентда бўлишлари тасоддий эмас. Жуда кўп ёш кинематографчилар худди ана шу ерда ўзига хос катта санъат йўлидаги имтиҳондан ўтдилар. Бу фестивал ана шу жаҳати билан ҳам обрўлидир.

Болалар — жаҳон келажак

С. АБДУРАҲМОНОВА,

Тошкентдаги 110-мактаб директори, Ўзбекистон СССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи.

— Мен ҳар сафар Халқаро Тошкент кинофестивалининг фильмларини зўр иштиёб билан кўраман. Чўнки унинг картиналари моҳияти, мазмуни билан биз педагогларга гоятда кераклидир. Мен ҳам онаман, ҳам ўқитувчиман. Ана шунинг учун ҳам фарзандларимиз, умуман болаларимиз тарбияси мен ҳар соатда қизиқтиради. Фестивал фильмлари орасида болалар мавзусидаги фильмларни кўриш ҳар томонлама фойдалидир.

Ҳозирги пайтда ер куurrasида ядро қуроли синовларини тўхтатиш ва уни батамом йўқ қилиш учун

кураш қизгин бораётган бир пайтда келажакни кўзлаб яратилган картиналар умумий курашимизда кўл келадди. Чўнки турли қитъаларда, турли мамлакатларда болаларни тарбиялаш проб-лемаси муҳим бўлиб қолмоқда. Мен ўтган сафар кинофестивалда япон кинематографчилари намойиш этган «Ялангёқли Гем» фильмининг ҳамон эсламан. У Хиросима ва Нагасакии фожиясини эслатади. Бундай фильмлар ер куurrasида барқарор тинчликни ўрнатиш, ядро ҳаётининг олдини олиш зарурат эканлигига даъват этади.

Фестиваль кундалиги

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали меҳмонлар ва томошабинлар диққат марказида турибди. Фестивалнинг дастлабки кунларида намойиш қилинган фильмлар юзасидан «Ўзбекистон» меҳмон-хонасида совет ва чет эл журналистлари учун мабууот конференцияси бўлиб ўтди. Унда РСФСР Ўзбекистон, Бангладеш, Бразилия кино санъаткорлари қатнашиб, мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг маданият саройига тапирф буюридилар. Шаҳримиз олий ўқув юртиларда таълим олаётган хоржий студентлар ҳам ушбу маросимда қатнашдилар. Уч қитъадаги

мамлакатларнинг ваниллари ҳозир бўлган бу маросим ўзига хос дўстлик байрамига айланди.

Фестиваль программасига биноан санъат саройида бадий ва қисқа метражли фильмларнинг расмий намойиши давом эттирилди. Унда томошабинларга Эроннинг «Мирзанинг бошмоғи», Таиланднинг «Дўст» бадий фильми, Кубанинг «Болаларнинг нима қилидигиз?», «Қўшнлар», «Қўлба», Арманистоннинг «Қутлиш», «Ҳарлашанба кунин», «Қиш кунин рангларини», Қозғистоннинг «Қулибой» боғи», «Алломиш Ботир» сингари картиналари намойиш этилди.

Уч қитъа мамлакатлари киносанъаткорлари республикаимиз пойтахти маданий ҳаёти билан ҳам қизиқиб танишмоқдалар, ҳамкасблари билан учрашиб, дўстона суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Қардошлик қонунига биноан

Чернобилликларга мададкормиз

904-СЧЕТГА

Республикаимиз билан Украина ССР ўртасида мустақам дўстлик алоқалари азалдан давом этиб келмоқда. Ҳозир Ўзбекистонликлар Чернобил атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишда Украина меҳнатчиларига ёрдам бериш учун имкони бўлган ҳамма иш-ни қилмоқдалар. ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар:

ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА

«Средазэлектрорепарат» бирлашмасининг меҳнатчилари барча цех ва участкаларда бўлиб ўтган йиғилишларда Чернобил АЭСининг буюртмаларини жуда қисқа мўддатларда ба-жаришга қарор қилдилар. Чернобилга аталган маҳсулотни мўддатидан илгари жўнатиш юзасидан оширилган мажбурият олдинди.

Бош заводнинг ўнинчи цехи коллективни катта герметик пакет переклочателларни тайёрлашга киришди. Бутун-бутун бригадалар дам олиш кунлари ишга чиқиб, уюшқоқлик билан фидокорона меҳнат қилдилар. Шу ҳафтанинг охиридаёқ пландан ташқари 58 та аппарат жўнатилади. Чернобил АЭСига бошқа асбоб-ускуналар ҳам планда белгиланганидан анча барварт юборилди.

24 май кунини шанбалик ўтказишга қарор берилди, шу кунни бирлашма меҳнатчилари юз минглаб сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқардилар. Шу пўлнинг бир қисми ёрдам фондига ўтказилади.

ТАШАВБУС

Граждан авиацияси 243-заводининг меҳнатчилари Чернобил АЭСидagi аварияни ўз бошларига тушган кулфат деб билдилар. А. И. Кашин бригадасининг аъзолари авария оқибатларини тугатиш юзасидан ёрдам фондига бир смена ишлаб беришни тақлиф қилдилар. Бу тақлиф корхонада ҳеч кимни ажаблантирмади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони В.

Маясов номли коммунист-тик меҳнат цехидаги бу илгор коллектив ҳамиша яхши ишлар ташаббускорларидандир.

Бригаданинг ташаббуси барча цехларда қўллаб-қувватланди. 24 май кунини зарбдор смена ўтказишга ва 904-счётга салкам 6 минг сўм пўл юборишга қарор қилинди.

ЕРДАМ ФОНДИГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг умумий йиғилиши Чернобил АЭСидagi авария оқибатларини тугатиш учун ёрдам фондига бир кунлик иш ҳақини юборишга қарор қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан катта илмий ходим, хотин-қизлар советининг аъзоси С. Эргашева, институт директори, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Ҳикматов, бўлим мудирини, партком секретари К. Екубови ва бошқалар бу станициядаги авария ядро уруши режаларини тугаётган кўнларга оғохланганриш бўлиб хизмат қилиши кераклигини айтидилар. Бундан бўёнги кўролланиш пой-гасин жаҳон халқларининг биргаликдаги куч-гайратлари билан тўхтатиш, бу пой-ганинг космосга қўчирили-шига йўл қўймаслик керак.


Республика Фанлар академиясининг президиумидан хабар қилишларига, экономика институтининг авария оқибатларини тугатиш учун ёрдам бериш ташаббусини академиянинг ҳамма бўлин-малари қўллаб-қувватлади.

Пионер ёзи нафаси

Мактаб ўқувчиларининг ёзи дам олиш мавсуми яқинла-шиб келмоқда. Шу муноса-бат билан шаҳримизда турли корхоналар ва муассасаларга қарашли пионер лагерларини мавсумга тайёрлаб чиқариш ниҳоясига етмоқда. Уғил-қиз-ларимиз яйраб дам оладиган бу масканларда янги-янги жи-ҳозлар ўрнатилмоқда, обсо-донлаштириш ва безаш иш-лари олиб бориляпти.

Тошкент шаҳар ободонлаш-тириш Бош бошқармасига қарашли шаҳарни ободонлаш-тириш бўйича ишлаб чиқариш комбинатида тузилган безак-чи рассомлар бригадалари бу пионер лагерларда деярли безатиш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

Рассомлар-лардан В. Колесов, А. Хуснид-динов, С. Соколов, Ж. Амбар-цумян, С. Логутов, Н. Белий, Ф. Ҳайитметов, Ю. Комлев, Ф. Жагер бошлик бригадалар-нинг коллективлари болалар масканларини шу кўннинг ру-ҳи талаблари асосида безашга ҳаракат қилдилар. Плакат тар-зидаги расмлар, шорлар, доналаштириш ва безаш иш-лари олиб бориляпти.



Т. М. КОЗОКБОВ

ЎЗЛИК ТУФЛИЛАРИ

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.